



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ

# ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

*2020 йил декабрь ойи учун*

2020

Январь

Февраль

Март

Апрель

Май

Июнь

Июль

Август

Сентябрь

Октябрь

Ноябрь

**Декабрь**

## Мундарижа


I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси .....	2
II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар.....	3
Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индекслари.....	3
Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар .....	5
Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар .....	7
Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар .....	8
Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар .....	10

## I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси


Мазкур сўров Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) реал сектор корхоналари билан сўровлар ўтказиш бўйича методологик тавсияларига асосан иқтисодиётнинг саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ишлари ҳамда савдо соҳаси корхоналари билан ўтказилди.

2020 йилнинг декабрь ойи учун ўтказилган сўровда республиканинг барча ҳудудларидан **696** та корхона ва ташкилотлар иштирок этган бўлиб, уларнинг 359 таси (51,6 фоизи) саноат соҳасида, 177 таси (25,4 фоизи) хизматлар соҳасида, 82 таси (11,8 фоизи) савдо соҳасида ҳамда 78 таси (11,2 фоизи) қурилиш ишлари соҳасида фаолият юритади.

1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши



2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши




## II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

### Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индекслари

Сўров натижалари **иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индексларининг** 2020 йилнинг ноябрь ойида пасайганидан сўнг, декабрь ойида бирмунча яхшиланганлигини кўрсатди.

3-расм. Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индексларининг шаклланиши




Хусусан, декабрь ойида **иқтисодий фаоллик индекси (ИФИ)** 52,7 ни ташкил этиб, ноябрь ойига (51) нисбатан 1,7 бирликка, **ишбилармонлик кайфияти индекси (ИКИ)** эса 60,1 ни ташкил этиб, (ноябрь ойида 57,4) 2,7 бирликка ошган.

**Иқтисодий фаоллик индексининг** ошиши, хизматлар ҳамда савдо соҳаларида тармоқ иқтисодий фаоллик индексларининг ноябрь ойига нисбатан мос равишда 4,7 (51,4 дан декабрь ойида 56,1 гача) ва 5,3 бирликка (52,9 дан 58,2 гача) ошиши билан изоҳланади.


Шу билан бирга, декабрь ойи учун ўтказилган сўров натижалари саноат ва қурилиш соҳаларида иқтисодий фаоллик бирмунча сустлашганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, саноат соҳасида иқтисодий фаоллик индекси 0,8 бирликка ва қурилиш соҳасида 1 бирликка пасайган.

4-расм. Иқтисодий тармоқларида иқтисодий фаоллик индексининг шаклланиши



Шунингдек, тармоқлар кесимида **ишбилармонлик кайфияти индекси** қурилиш соҳасида бирмунча пасайган бўлса, саноат, хизматлар ва савдо соҳаларида ошган.

5-расм. Иқтисодий тармоқларида ишбилармонлик кайфияти индексининг шаклланиши




Бунда, декабрь ойида ишбилармонлик кайфияти индекси ноябрь ойига нисбатан қурилиш соҳасида 1,6 бирликка пасайган бўлса, саноат соҳасида 2,3 бирликка, хизматлар соҳасида 5 бирликка, савдо соҳасида 0,7 бирликка ошган.

## Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Саноат соҳасида **Иқтисодий фаоллик индекси** жорий йилнинг декабрь ойида 49,7 ни ташкил этиб, ноябрь ойига (50,5) нисбатан 0,8 бирликка пасайган.

6-расм. Саноат соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари




Бунда, мазкур индекс таркибидаги **ишлаб чиқариш ҳажми** ҳамда **иш ўринлари сонининг** ўзгариши бўйича ҳисобланган индекслар ноябрь ойига нисбатан мос равишда **2,8** ва **3,5** бирликка пасайган бўлса, маҳсулотларга **буюртмалар** ҳамда **хом ашё захиралари** индекслари **0,6** ва **2,4** бирликка ошган.

Саноат тармоқлари кесимида, иқтисодий фаоллик индекси озиқ-овқат саноатида ошган бўлса, қурилиш материаллари, текстиль, ёғоч, мебель, қоғоз ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатларида пасайган.

Бунда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши декабрь ойида ушбу тармоқ маҳсулотларига мавсумий талабнинг ошиши билан боғлиқ бўлса, қурилиш материаллари, текстиль, мебель ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш мавсумий пасайиши билан изоҳланиши мумкин.


Шу билан бирга, декабрь ойида ишлаб чиқариш ҳажмлари камайганлигини қайд этган респондентларнинг 32 фоизи талабнинг нисбатан пастлигини, 24 фоизи айланма маблағлар танқислигини, 14 фоизи табиий газ, 15 фоизи электр энергияси ва хом ашё таъминоти билан боғлиқ муммолар мавжудлигини маълум қилган.

7-расм. Саноат соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Шунингдек, соҳада **ишбилармонлик кайфияти индекси** бирмунча яхшиланган (ноябрь ойига нисбатан 2,3 бирликка ошган) бўлиб, индекс таркибидаги **ишлаб чиқариш, иш ўринлари сони ва маҳсулотларга буюртмалар ҳолати бўйича кутилмалар** мос равишда 4,1, 4,5 ва 0,6 бирликка ошган.

8-расм. Саноат корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Шунингдек, декабрь ойи якунлари бўйича ўтказилган сўров натижалари соҳадаги корхоналарнинг **молиявий ҳолати** ҳамда **айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси** ҳам яхшиланганлигини кўрсатди. Хусусан, декабрь ойида корхоналарнинг **молиявий ҳолати** ҳамда **айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати** индексларининг мос равишда 0,9 ва 0,8 бирликка ошиши кузатилди.

## Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар


Декабрь ойида қурилиш ишлари соҳасидаги **иқтисодий фаоллик индекси** ноябрь ойига (50,4) нисбатан бирмунча пасайган бўлиб, 49,4 ни ташкил қилди.

9-расм. Қурилиш соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари



Мазкур ҳолат, декабрь ойида қурилиш ишлари ҳажмининг мавсумий секинлашиши натижасида буюртмалар индексининг 47 дан 41,7 гача камайгани билан изоҳланиши мумкин<sup>1</sup>.


10-расм. Қурилиш соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



<sup>1</sup> Сўровларни ойлик тартибда ўтказиш амалиёти жорий йилнинг июнь ойидан йўлга қўйилганлиги сабабли, ҳозирда иқтисодий фаолликнинг шаклланишида мавсумий омилларнинг таъсирини баҳолаш имконияти мавжуд эмас.

Шу билан бирга, тармоқда **ишбилармонлик кайфияти индексининг** декабрь ойида ноябрь ойидаги **55,4** дан **53,8** гача пасайиши кузатилди. Бунда, қурилиш корхоналарининг келгуси **3** ойда қурилиш ишлари ҳажми ўзгариши ҳамда буюртмалар бўйича кутилмалари мос равишда 0,5 ва 5,3 бирликка пасайган.

#### 11-расм. Қурилиш соҳаси корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Шунингдек, жорий йилнинг декабрь ойида қурилиш корхоналарининг молиявий ҳолати ҳамда айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати индекслари мос равишда 2,5 ва 9,2 бирликка яхшиланлиги кузатилди.

#### Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Сўров натижалари хизматлар соҳасида иқтисодий фаолликнинг ноябрь ойидаги бирмунча сустлашишидан сўнг декабрь ойида ошганлигини кўрсатди.


Хусусан, декабрь ойида хизматлар соҳасида **иқтисодий фаоллик индекси** ноябрь ойига (51,4) нисбатан 4,7 бирликка ошиб, **56,1** ни ташкил қилди. Бунда, хизматлар соҳасидаги иқтисодий фаоллик индексининг барча компонентларида, хусусан, хизмат кўрсатиш ҳажми (4,8 бирликка), иш ўринлари сони (4,8 бирликка) ва хизматларга талаб (4,5 бирликка) индексларида яхшиланиш кузатилди.

## 12-расм. Хизматлар соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари




Хизматлар соҳасида иқтисодий фаоллик индексининг ошиши транспорт ва умумий овқатланиш хизматлари соҳаларида индекснинг мос равишда 13,1 ва 8 бирликка ошиши билан изоҳланади.

## 13-расм. Хизматлар соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Шу билан бирга, декабрь ойида хизматлар соҳасида **ишбилармонлик кайфияти индекси** ноябрь ойидаги **62,5** дан **67,5** гача ошган бўлиб, индекс таркибидаги хизмат кўрсатиш ҳажми индекси 5,6 бирликка, иш ўринлари сони индекси 3,8 бирликка ва хизматларга талаб индекси 5,9 бирликка ошганлиги кузатилди.

14-расм. Хизматлар соҳаси корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Шунингдек, декабрь ойида респондентларнинг молиявий ҳолати индекси 7,1 бирликка, айланма маблағлар таъминланганлик ҳолати индекси 6,3 бирликка яхшиланганлиги кузатилди.

### Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Жорий йилнинг декабрь ойида савдо соҳасида **ИҚТИСОДИЙ** фаоллик индексининг 52,9 дан 58,2 гача ёки 5,3 бирликка ошиши кузатилди.


15-расм. Савдо соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари



Бунда, маҳсулотлар сотув ҳажми индекси 7,5 бирликка (54,7 дан 62,2 гача) иш ўринлари сони индекси 3,1 бирликка (51,2 дан 54,3 гача)

яхшиланган бўлиб, мазкур ҳолат декабрь ойида савдо соҳасининг мавсумий жадаллашиши билан изоҳланади.

**16-расм. Савдо соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши**



Шу билан бирга, савдо соҳасида **ишбилармонлик кайфияти индекси** уч ойлик пасайишдан сўнг декабрь ойига келиб ўсиш қайд этган бўлиб, мазкур кўрсаткич ноябрь ойидаги 57 дан 57,7 гача ошди.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил

---

*Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланган*

*E-mail:* [sturginboev@cbu.uz](mailto:sturginboev@cbu.uz)

*Тел.:* (+998) 71 212-60-09